

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 (11.355)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

**БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДА БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БЎЁН АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ШАҲРИМИЗ ТУМАНЛАРИ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ.**



Юнусобод туманларида «Ташаббус — 2009» кўрик-танловлари ўтказилиб, уларда энг сара тadbиркор ва хунармандлар белгиланган шартлар бўйича ўзаро беллашишмоқда, билим ва иқтидорларини намойиш этишмоқда. Айниқса, иштирокчиларнинг изланиш ва ютуқларини ёрқин намойиш этаётган махсулотлар кўргазмаларидан йиғилганлар баҳраманд бўлишмоқда, уларнинг муваффақиятларига гувоҳлик қилишмоқда.

«Ташаббус — 2009» кўрик-танловига қизгин тайёргарлик кўриб, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар худудий бошқармаси М.Улуғбек тумани Ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Маъруфхон Маҳамов. — Мана бугун туманидаги «Касаба уюшмалари ўқув маркази»да ўтказилаётган тadbиримизда 15 нафар тadbиркор ва 7 нафар уста хунармандларимиз иштирок этишмоқда. Шуниси қувонарлик, жорий йилда янги иштирокчиларимиз сафи кенгайди. Улар орасида ўзларининг сифатли ва рақобатбардош махсулотлари билан танловда иштирок этаётган «Энерго-стар» масъулияти чекланган жамияти тadbиркорлари муваффақиятларини таъкидлаш лозим. Танлов иштирокчиларини зукко ҳайъат азозлари, албатта ҳолисана баҳолаб боришда. Шубҳасиз, голибликни барча шартлар бўйича муваффақият қозонган тadbиркор ва хунармандлар кўлга киритишади.


— Бу йилги «Ташаббус — 2009» кўрик-танловда ўзимизнинг янги моделдаги махсус иш кийимларимиз билан иштирок этаймиз, — дейди Учтепа туман босқичи иштирокчиси, «NURAFSHON NUR» хусусий корхонаси раҳбари Муҳаббат Тошмухамедова. — Ўтган йилда корхонамизга янги тикув машиналари ўрнатдик, кўплаб буюртмаларни тез ва соғ амалга оширдик. Жорий йилда эса четдан буюртмачиларни жалб этиб, экспортни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Кўрик-танловда эса, албатта голибликни ният қилганмиз.

Кўрик-танловнинг туман босқичларида «Энг яхши тadbиркор» ва «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича ва бир неча кўшма номинациялар бўйича голиблар аниқланди. 1-ўрин соҳиблари эса танловнинг шаҳар босқичига йўланма олишади. Шунингдек, голиб ва иштирокчилар диплом, қимматбаҳо ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади. Албатта, барча иштирокчиларга омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Шарофат БАХРОМОВА СУРАТЛАРДА:** «Ташаббус-2009» кўрик-танлови иштирокчиси «NURAFSHON NUR» хусусий корхонаси фаолиятдан лавҳа лар.

Ҳакимжон Солиқов олган суратлар

## «Ташаббус — 2009» ТУМАН БОСҚИЧЛАРИ БОШЛАНДИ



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу муҳим тadbиркор, хунарманд ва фермерларни рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, ишбилармонларнинг фаоллигини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Шунинг баробарида иқтисодий рақобатга ўзларининг тинимсиз изланишлари билан ҳисса қўшаётган илгор тadbиркорларимизнинг ютуқларини кенг тарғиб этиш, уларни эл-юртга танитиш, билим ва касб қўнимчаларини юксалтириш, ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашишларини йўлга қўйишда танловнинг хизмати бекибдир. Шу ўринда бир сўз билан изохлаш лозимки, мазкур кўрик-танлов мамлакатимизда хусусий сектор ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Таъкидлаб ўтганимиздек, бугун шаҳримизнинг Учтепа, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов ва

## Касба сатрларда

- **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида ўтказилган йилги Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масаласига бағишланди.
- **БУГУН** Авиасозлар маданият саройида тadbиркорлар ўртасида ташкиллаштирилган «Ташаббус-2009» кўрик-танловининг ҳамза туман босқичи бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида расом Анвар Бахтевининг шахсий асарлари кўргазмаси намойиш этилди.
- **БУГУН** ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ташкил этилган кўрик-танлов «Кувноқлар ва зукколар» деб номланди.
- **ЎТГАН** кун «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Кувайт давлати мустақиллигига бағишлаб ўтказилган тadbирда чет эл элчихоналари ходимлари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.
- **ЎТГАН** кун шаҳримизда фаол хотин-қизлар, Зулфияноним номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияноним ижодига бағишлаб ўтказилган тadbир «Зулфияноним — ҳаммиса барҳаёт» деб номланди.
- **ЎТГАН** кун Собир Раҳимов тиббиёт коллежида Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва экология муаммолари» мавзусида тadbир ўтказилди.
- **ШАЙХОНТОХУР** туман Давлат солиқ инспекциясида жамғириб бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш чора-тadbирлари бағишлаб ўтказилган тadbирда солиқ соҳаси мутахассислари, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.
- **ЎТГАН** кун Ўзбекистон Давлат консерваториясида жаҳон классик мусиқа асарлари асосида уюштирилган мусиқа кечаси «Гулли ёмғирлар» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## 4 март — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун

## МУСТАҚИЛ ВАТАННИНГ ИЛК ОРДЕНИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ИСТИҚОЛИМИЗНИНГ ДАСТАБКИ ЙИЛЛАРИДАН СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ. ЗЕРО, ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭҒАЛЛАГАН, МУСТАҚИЛ ФИКРГА ЭГА, ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА МАЪНАВ БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЙТИНИНГ АСОСИЙ КУЧЛАРИДАНДИР.

Дарҳақиқат, имон-эътиқодли, иродаси бақувват, Ватани ва халқига содиқ фарзандларни камолга етказиш, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган сиёсат ўз самарасини бермоқда. Бугун истиқлол гоғаларига садоқатли, мард ва жасур, интеллектуал салоҳия-

ти юксак авлод ҳаётга кириб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги фармонида мувофиқ таъсис этилган овоз юртимизнинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб номланиши ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан бу масалага нечоғли катта эътибор қаратилганидан

далолатдир. Соғлом авлодни тарбиялашдек эзу ниятни амалга ошириш имконияти мустақиллик шарофати билан пайдо бўлди. Мамлакатимизда бу борада барча шарт-шароитлар яратилган, иқтисодий-ижтимоий имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунни

## АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТADBИР БЎЛИБ ЎТДИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МУСТАҚИЛ ТADBИРГА ФАОЛ АЁЛЛАР, ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР, ТАЛАБА-ҚИЗЛАР ТАКЛИФИ ЭТИЛДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини тобора юксалтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштиро-

кини кенгайтириш, ҳуқуқий-иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармо-

риб этиш юзасидан малакали мутахассислар, олимлар иштирокида мунтазам равишда давра сўбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Пойтахтимиздаги барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иш юритмоқда. Маҳаллалардаги ахиллик мухитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат ҳаётга тарбиялаш, мустақил ҳаётга тайёрлашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураимова сўзга чиқди.

**Назозат УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Факултода ва мухтор элчиси Илҳом Нейматов Россия Президенти Дмитрий Медведевга ишонч ёрлигини топширди.

Маросим чоғида Россия Федерацияси раҳбари Россия билан Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойилларига асосланишини қайд этди.

Президент Д. Медведев жорий йил январь ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташири чоғида ўзаро муносабатлар юксак салоҳиятга эга бўлиб, икки томон ҳам уларни жадвал ва ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакили Мурод Аскарлов БМТ Бош котиби Пан Ги Мунга ишонч ёрлигини топширди.

Сўхбат чоғида халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Пан Ги Мун Марказий Осиё ва унинг етакчи мамлаката бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш — унинг БМТ Бош котиби лавозимидagi фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

«Жаҳон» АА

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини, коммунал соҳада хизматлар ва сервисни янада ривожлантириш, шу асосда иш ўринларини кўпайтириш — ҳозирги босқичда тармоқнинг муҳим вазифаларидан бири» мавзусидаги масала кўриб чиқилди.
- Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.
- Андижондаги Бобур номли вилоят мусикали драма ва комедия театрида «Истеъдодлар мархабо — 2009» кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Санъат байрамига айланиб кетган ушбу танловда 850 нафардан ортиқ ёш истеъдод соҳиблари ўз маҳоратларини намойиш этишди.
- Сурхондарё вилоятида «Сурхоннасостамир» давлат унитар корхонаси иш бошлади. Ҳозирги кунда 35 киши меҳнат қилаётган корхонада сув насослари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш цехини барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу қўшимча иш ўринларини яратиш имконини беради.
- Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси ташаббуси билан «Ёшлар маркази»да Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайхон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарорининг амалдаги ижроси бўйича семинар бўлиб ўтди.
- Наманган вилояти кўп тармоқли шифохонаси негизда вилоятдаги урология маркази, травматология ва ортопедия шифохонаси, кўз касалликлари диспансери бўлимлари бирлаштирилиб, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилди.
- Кўшқўпир туманидаги Кенагас қишлоғида янги гузар фойдаланишга топширилди. Ушбу мухташам иншоотни қишлоқдаги «Оптом ота» фермер хўжалиги раҳбари Кўзи Худойбергандов барпо этган бўлиб, унинг таркибидан тикувчилик цехи, сартарошхона, гўшт дўкони ва бошқа турдаги хизмат шохобчалари ўрин олган. Шунингдек, 600 ўринли тўйхона ҳам кенагасликларга хизмат қилади.
- Тошкентдаги «Солиқчи» спорт мажмуасида тазқондонинг WTF тури бўйича ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги ҳамда катталар орасида мамлакат чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.
- Болалар жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими қошида янги ўқув маркази иш бошлади. Унда ёшлар компьютер саводхонлиги, бухгалтерия хисоби, пазандачилик, тикувчилик, расм-чизмачилик курсларида сабоқ олиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имкониятига эга бўлди.

## ЖАҲОНДА

- Австрия пойтахти Вена шаҳрида очилган МАГАТЭ сессиясида Эрон ядро дастури энг муҳим масалалардан бирига айланди. МАГАТЭ инспекторларининг февраль ойидаги маърузасида Эрон 1 тоннадан ортиқ куйи тарзда бойитилган уранга эгаллиги маълум қилинган. Ушбу микдор 2010 йилда атом бомбасини яратиш учун қифоядир. Эрон раҳбарияти эса ядро дастури бўйича барча ишлар халқаро келишувлар доирасида амалга оширилаётгани ва мамлакатнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилганлиги ҳақида таъкидламоқда.
- Швейцариянинг Россиядаги элчихонаси қошида Грузия секцияси очилди.
- Венесуэла Президенти Уго Чавес мамлакат ҳукумати таркибини ўзгартирди.
- Украина Олий Радаси мамлакат Ташқи ишлар вазирини истеъфога чиқарди.
- Бангладешда ҳукуматга қарши исён уюштирилганда гумон билан бир гуруҳ кишилар ҳибсга олинди.
- Жорий йилда Европа Иттифоқи аҳоли сони бўйича ярим миллиардлик чегарадан ўтади. Zero, 2009 йил 1 январь ҳолатига ЕИ мамлакатларида 499,7 миллион аҳоли қайд этилган. Ҳозирда ЕИ худудида аҳолининг табиий ўсиши йилга 1,1 фоизни ва миграция ҳисобига 3,3 фоизни ташкил этади. Энг катта туғилиш суръатлари Ирландия (18,1 фоиз), Буюк Британия (13 фоиз) ва Франция (12,9 фоиз)да қайд этилган.
- Интерпол ташкилоти дунёнинг қарийб 187 мамлаката бўйлаб тарқалган тармоқларида Кот-д'Ивуар қамоқхонасидан 86 нафар хавfli жиноятчининг оммавий равишда қочиб кетгани муносабати билан «сарик ранг» даражасидаги сафарбарликни эълон қилди. Бу жиноятчилар қотиллик содир этган ва жиноий гуруҳларга алоқадор шахслар бўлиб, уларнинг ҳар бири кишилар ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин. Ҳозирда Интерпол томонидан уларни қўлга олиш юзасидан чора-тadbирлар айнинкиса, чегаравий ҳудудларда кучайтирилган.
- Европа Инвестиция банки Европа Иттифоқи аъзо давлатларга кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш учун март ойининг охирига қадар 8,5 миллиард евро микдорда молиявий ёрдам кўрсатади. Бу ҳақда ЕИнинг Брюсселда ўтказилган саммитида маълум қилинди.
- Латвия ҳукумати таркибига бешта парламент партияси кирдирилган бўлди.
- Кеча етакчи биржаларда ўтказилган савдолар натижасида нефть нархининг ошиши кузатилди.

# ТАДБИРКОР

**МАМЛАКАТИМИЗДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ САЪЙ-ХАРАКАТЛАР НАТИЖАСИДА БУГУН БУ СОҲАДА АҲАМИЯТГА МОЛИК ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎЗ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН УЛАРГА ЯҚИН КЎМАҚДОШ ВА ҲАМКОР БЎЛИБ БОРАЁТГАНЛИГИ НАТИЖАСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА КЎПЛАБ ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛИШМОҚДА. АЙНИҚСА, УЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТЛАРИ ТУФАЙЛИ ЖОЙЛАРДА МИНГЛАБ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛДИР.**

## Банк хизмати

### ЯҚИН ҲАМКОР ВА МАДАДКОР

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкида ҳам бу борадаги вазифалар муваффақиятли ушбу муносабатларда. Масалан, пойтахтимизнинг Учтепа туманида иш юритиб келаётган «Давр бекаси» масъулияти чекланган жамиятини айна дамада нафақат пойтахт аҳли, балки бутун мамлакатимиз аҳолиси яхши билади. Гап шундаки, ушбу жамият раҳбари Файзулла Муротов «Микрокредитбанк»нинг 37 миллион сўмлик лизинг хизматидан фойдаланиб, шу номли ўқув маркази ташкил этган эди. Ҳозирда бу маскани ҳар ойда юзлаб ёшлар битириб чиқишиб, етух мутахассис бўлиб етиштиришмоқда. Муҳими, улар тикувчилик, компютер саводхонлиги, пазандчилик сирларини мукамал эгаллашиб, ўзлари учун фойдали касбини танлаб олишяпти.

га кўрсатилган ушбу лизинг хизмати эвазига «Давр бекаси» пойтахтлик ҳамда республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёшларнинг ҳам иқтидорини кашф этиб, уларнинг келажаги учун мустақам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Банкнинг яна бир мижози, Юнубод туманида фаолият юритиб келаётган «Расулжон» хусусий корхонаси эса 20 миллион сўмлик лизинг хизмати ҳисобига бир неча иш ўринлари яратиш имконига эга бўлди.

Умуман олганда, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Амалиёт бошқармасининг ўтган йилги фаолиятига назар ташланганда, бундай мисолларга кўпгина гувоҳ бўлиш мумкин. Аҳамиятисини, мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун тамойили асосида фаолият юритаётган ушбу молиявий

муассасанинг бу каби хизматлари эвазига кишиларда тадбиркорлик қобилияти шаклланиб бораётганида, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида мунтазам ва юқори кўрсаткичлар билан муносиб иш-тироқ этаётганидир. Бу эса, ўз навбатида, республикамизнинг иқтисодий тараққиёти тобора юксалишига хизмат қилиши аниқ.

— Ўтган йил давомида тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш мақсадида талайгина ишларни амалга оширдик, — дейди банкнинг Амалиёт бошқармаси бошлиғи Шокир Оловхонов. — Зеро, муассасамизнинг асосий мақсади шундан иборат. Яъни бошқармаимиз ўз фаолияти мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, 41 та мижозга микрокредит ажратди. Унинг 37 336,50 минг сўми бошланғич сармояни шакллантиришга йўналтирилган бўлса, 260 385,10 минг сўми айланма

маблагни тўлдирish учун мўлжалланган кредитлардир. Шунингдек, 32 мижозга 1 062 016,38 минг сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бундан ташқари, 167 мижозга истеъмол кредитлари ажратилди.

Маълумки, кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан аёлларимизга ҳам-катта имкониятлар яратиб берилаётган. Натижада, жамиятнинг турли жабҳаларида аёллар фаолиги ортиб бормоқда. Бошқарма томонидан ҳам хотин-қизлар алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг моддий кўллаб-қувватлашлари сабаб айна дамада фақат аёл тадбиркорлар бошқарадиган ва аёллар иштирокидаги тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган ушбу банк мижозлари сони 37 нафарга кўпайди. Уларга бир йил давомида 603,03 минг сўм микродо-кредитлар ажратилган.

Еш оилаларни, ёшларни кўллаб-қувватлаш борасида ҳам банк бир қатор ишларни бажардики, бунинг самараси ўлароқ 70 та ёш оилага 349 743, 80 минг сўмлик истеъмол кредити, 9 на-


фар ёшга 20 217, 90 минг сўмлик таълим кредити берилди. Хуллас, айна пайтда «Микрокредитбанк»нинг Амалиёт бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар туфаيلي юртимизда тадбиркорлар, ишбилармонлар сафи янада кенгайиб бормоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларида тўхталиб, «Банк иштини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблагларини тижорат банклари депозитларига жалб қилиш» рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолади», деди. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ҳам бу борада янада самаралироқ иш олиб бориб, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашга муҳим ҳисса қўшади.

(Ўз мухбиримиз)

## МИЖОЗЛАРНИ МАМНУН ЭТМОҚДА

**МАИШИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИНГ КЎПАЙИШИ, ШОХБОЧЛАР СОНИНИНГ ОРТИШИ, НАМУНАЛИ ХИЗМАТНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАЁТГАНИ, СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИККА ҚАРАТИЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР АҲОЛИНИНГ ОФИРИНИ ЕНГИЛ, МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛИШИ БАРОБАРИДА ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**



Шайхонтоҳур туманида фаолият кўрсатаётган маиший хизмат кўрсатишининг кимёвий тозалаш шохбачаси — «Мир люкс» филиалида 8 нафар ёш мутахассислар меҳнат қилишяпти. Мазкур шохбача Италиядан келтирилган технологик ускуналар билан жиҳозланган.

— Шаҳримизнинг барча туманлари аҳолисига хизмат кўрсатамиз, — дейди филиалнинг технолог устаси Руслан Гилязов. — Кимёвий тозалаш ишларини илгор Италия технологияси асосида амалга оширамиз. Буюртмани тез ва соз бажаришга, кийим-кечак ҳамда буюмлардаги ҳар қандай майда доғларни ҳам кетказишга ҳаракат қиламиз. Мижоз талаб ва эҳтиёждан



келиб чиққан ҳолда буюртмани бажариш мuddатини белгилаймиз. Энг асосийси сифатга эътибор қаратамиз.

Кимёвий тозалаш шохбачасида ҳар қандай кийим-кечак, рўзгор буюмлари тозалаб берилади. Шунингдек, буюртмага кўра корхона ходимлари хонадон ва офисларга бориб ҳам хизмат кўрсатишяпти. Бу, албатта мижозлар учун катта қулайликдир. Келгусида тадбиркорлар

янада илгор усуллардан фойдаланган ҳолда сифатли ҳамда рақобатбардош хизматни ташкил этиш йўлида изланишмоқда.

**НОЗИМА АКРОМОВА СУРАТЛАРДА: кимёвий тозалаш шохбачасининг малакали ходимлари буюртмаларни бажаришда сифат ва мuddатга алоҳида эътибор қаратишяпти.**

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

## Кичик бизнес

### МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУ БОИС ҲАМ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ВА ҲУКУМАТИМИЗ УШБУ СОҲАНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШГА, ЭРКИН ФАОЛИЯТЛАРИ УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА, ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА, ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШМОҚДА.**

Бу эзгу ишларнинг самараси эса тадбиркорларимиз сафи ортишида, уларнинг иқтисодий ривожидagi ҳиссаси салмоқли бўлишида яққол акс этмоқда. Йилдан йилга тадбиркорларимизнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришидаги улуши кўпаймоқда, рақобатбардош, импорт ўрини босувчи товарлар турлари ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидорини топмоқда.

Биз ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган жамоалар сирасига кириамиз. Корхонамизда ички ва ташқи ёритиш ускуна ҳамда мосламалари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳар қандай иклим шароитига мос, чидамли кўча фонарлари ҳам тайёрлаймиз.

Шунини мамнуният билан айта оламаники, ўтган қисқа давр ичида ишчиларимиз сафи бир нечтадан 30 нафарга етди, маҳсулотларимиз тури эса 40 хилдан зиёд шакл элмоқда. Ўтган йилда 4 хил янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этдик. Бу бир неча хил кўча ёритиш мосламалари ва 4 ҳамда 2 лампали кундузги ёриткичлардир.

Ишлаб чиқариш ҳамининг ортиши, маҳсулотларимизга буюртмаларнинг кўпайиши ва энг муҳими юртимизда тадбиркорликка қаратилган катта эътибор ривожланишимиз омили бўлмоқда. Ўтган йилда ўз худудимизга эга бўлдик. Илгари ижарада фаолият кўрсатардик. Шунингдек, керакли хом ашёни ўзимиз-

да тайёрлаш мақсадида шиша ишлаб чиқариш цехига янги печь ўрнатилди. Бу турли рангдаги шишалар ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Буюртмачиларимизга келадиган бўлсак, улар орасида йирик корхона ва ташкилотлардан тортиб хусусий фирмаларгача мавжуд. Жумладан ўтган йилларда Бекобод металлургия комбинати, пойтахтимиздаги кўллаб қурилиш ташкилотлари, лицей, коллеж, тиббий муассасалар буюртмаларини бажардик. Шу боис ҳам 2008 йилда ишлаб чиқариш ҳамининг 2 бараварга оширишга эришдик. Мохир дизайнер усталаримиз буюртмаларни адо этишда талаб ва тақлифлардан келиб чиқиб, шунинг баробарида биноларнинг меъморчилигини ўрганган ҳолда ёндошадилар.

Жорий йил хусусида тўхтадиган бўлсак, излана-япмиз, имкониятларимизни ишга солаёلمиз. Мақсадимиз бозорга мос харидоригр маҳсулот турларини янада кўпайтиришдир. Ҳозирда янги маҳсулот турлари — қандил ва бралар тайёрлаш устида ишлаёلمиз. Ёшлар учун қўшимча иш ўринлари очамиз. Сирасини айтганда, «Излаган имкон топади» нақлига амал қилиб, Президентимизнинг биз тадбиркорларга билдираётган юксак ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

**ШОҲИД РАШИДОВ, «NUR EL BISNES» масъулияти чекланган жамияти раҳбари**

## Хорижий инвестициялар — ИҚТИСОДИЁТГА

### ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ТАЪМИНЛАНАЁТГАНИ, ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР, ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ МАВЖУДЛИГИ ҚЎШМА ВА ХОРИЖИЙ КОРХОНАЛАР РИВОЖИДА, УЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРИНИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИДА, НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ТАЛАБГОРЛИГИДА АКС ЭТМОҚДА.**

Юртимиз иқтисодий равангини таъминлашда, албатта энгил саноат тармоғининг улушини таъкидлаш ўринли. Ушбу тармоқда мушаккил йилларда амалга оширилаётган режалар, истиқболли лойиҳалар яхши самара бермоқда. Кўплаб тўқувчилик ва тикувчилик корхоналари фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг энг замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланганлиги муваффақиятларга гаров бўлмоқда. Мазкур корхоналарда маҳаллий хом ашё — пахта қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган калава-ип, сифатли газлама ва матолар, замонавий кийим-кечаклар импорт ўрини босиши билангина эмас, экспортбоплиги билан ҳам ажралиб туради.

Ана шундай лойиҳалардан бири пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Spentex Tashkent-To'Ytera» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси бўлиб, мазкур корхона айтиш жоизки, Ҳиндистондаги «Spentex Industries LTD» компаниясининг тўғридан тўғри инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Албатта, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифати маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш, юқори унумли технологик линияларни оқилона юргизиш, кадрлар малакасини тинмай ошириш, маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиш орқали таъминланмоқдаки, шу боис ҳам хорижий харидорлар сафи ортмоқда. Улар орасида Туркия, Россия, Исроил, Буюк Британия, Чехия, Португалия, Украина ва бошқа мамлакатлар борки, корхона маҳсулотларининг 90 фоизи ана шу харидорларга сотилмоқда.

Ўтган йил яқунларига тўхталиш жоиз бўлса, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан 65 миллион АҚШ долларлик маҳсулот тайёрланиб, ҳаммаси харидорларга сотилди.

— Маҳсулотларимизнинг юқори сифатда бўлишига эришиш мақсадида бор имкониятларимизни ишга соламиз, — дейди корхонанинг савдо бўйича директори Р.Д.Гулта. — Харидор талабини тинмай ўрганган ҳолда иш юритаётганимиз, ишлаб чиқарилаётган калава-ип ва пишиқ мато сифатини доимо назоратга олганимиз боис ҳам буюртмалар кўпаймоқда, экспорт ҳажми ортмоқда, товарларимизга талабгор хориж давлатлари сафи кенгаймоқда. Бизнес яна бир ютуғимиз саноатбоп маҳаллий хом ашё — ўзбек пахтасидан калава-ипларнинг кўллаб қилиниши тайёрлаймиз. Бу, албатта харидор хоҳиш-истагини бекамукўст ундашга муҳим аҳамият касб этади.

Корхона цехларида бугунги кунда 5000 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Асосий қисmini ёшлар ташкил этган мазкур корхонада иш 3 сменда олиб боришмоқда. Энг асосийси эса бу ерда меҳнат қилаётганлар учун қулай меҳнат ва етарли дам олиш шароитлари яратилишига эътибор қаратишган. Ана шу моддий ва маънавий манфаатдорлик боис ҳам меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Кадрлар малакасини ошириб боришга ҳам эътибор кучли бўлиб, бу уларнинг замонавий дастгоҳларни ўлаштириб олишларига, қийналмай ишлашларига имкон яратяпти.

Корхона мутасаддиларининг изланишлари самара бераётгани боис ҳам, улар келгусида республикамизда ўз филиалларини очиниши, маҳсулот турларини кўпайтириш режалашган. Ҳадемай корхонанинг Марғилон шаҳридаги филиали иш бошлаб, мазкур ишлаб чиқаришда 500 нафарга яқин йигит-қизлар фаолият кўрсатишяпти. Энг қувонарлиси эса ушбу филиал цехларига энг замонавий дастгоҳлар ўрнатилдики, бу ранг-баранг матолар тайёрлаш имконини беради. Газламага босилган гуллар эса унинг харидорлигини янада оширади. Бунинг кутилган самараси экспорт ҳажмида яққол акс этади. Энг муҳими эса ана шундай рақобатбардош ва экспортбоп товарларни технологик линияларни моҳирлик билан бошқараётган маҳаллий ёшлар тайёрлашяпти. Шу боис ҳам корхона тадбиркорлари жорий йилда улкан эзгу ниятларни қўлаб меҳнат қилишмоқда, изланишлар самарасидан баҳраманч бўлиши режалаштиришмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

## МУСТАҚИЛ ВАТАНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

(Даоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлод деганда биз фақат жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни кўзда тутамиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқ буюк ишларни амалга оширишга қодир бўлади. Бугун шаҳару қишлоқларимизда фаолият юритаётган замонавий мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, спорт саройлари, тиббий муассасалар фарзандларимизни ана шундай баркамол инсонлар этиб воғта етказишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

«Соғлом авлод учун» ордени билан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, уни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишида алоҳида хизмат кўрсатган юртдошларимиз тақдирланадилар. Бу орден билан, шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мукофотланиши мумкин. Орден таъсис этилгандан бери соғлом авлодни тарбиялаш воғта етказиш борасида фидойилик кўрсатган, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида юксак натижаларга эришган кўплаб юртдошларимиз ушбу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

— Мустақил Ватанимизнинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб аталишида катта маъно мужассам, — дейди ушбу орден соҳибаси, Жиззах шаҳри акушерлик комплексининг бош шифокори Дилдора Рашидова. — Зеро, соғлом авлод озод ва обод юртимизнинг танчани, наслимиз ва эзгу ишларимиз бардавонлигининг муҳим кафолатидир. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб воғта етказишга алоҳида эътибор ва гамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида миллатимиз генофондини соғломлаштиришга қаратилган кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Соғлом аёл — соғлом фарзанд тамойилига асосланган кўплаб дастур ва лойиҳалар амалиётга жорий этилаётган. Туғиш ёшидаги аёллар доимий равишда тиббий назоратга олинчи, тегишли профилактик тадбирларнинг ўтказилиши натижасида уларда ҳомиладорлик асоратларисиз кечмоқда, чақалоқларнинг соғлом ривожланиши, соғлом туғилишига эришилмоқда.

Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган юртдошларимизни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон манфаати мужассам эканининг яна бир тасдиғидир. Халқимизнинг фахру гурури рамзи, соғлом авлодни тарбиялаш йўлидаги эзгу ниятларимиз тимсоли бўлган «Соғлом авлод учун» ордени буюк келажагимиз ворисларини тарбиялашда юртдошларимизга куч-ғайрат бағишлайверишига шубҳа йўқ.

Олим ТўРАҚУЛОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — МУҲОФАЗАДА

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — МУАЙЯН МИЛЛАТ ЁКИ МАМЛАКАТДА ЯШОВЧИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА АҚЛИЙ САЛОҲИАТИНИ ИФОДЛОВЧИ БЕБАҲО БОЙЛИК. ЗЕРО, УНИ МУҲОФАЗАЛАШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАМЛАКАТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.**

Юртимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мустақиллик йилларида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Соҳага оид миллий қонунчилик асослари яратилди, улар замонга, халқаро андозаларга мос тарзда такомиллаштириб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида 2008 йилда амалга оширилган ишлар таҳлили ва галдаги вазифаларга бағишланган хайъат йиғилишида шулар ҳақида гап борди. Унда асосий эътибор Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига қаратилди.

Йиғилишда Давлат патент идорасига интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза олиш учун топширилган жами олти мингга яқин талабноманинг асосий қисми ихтироларга, қолганлари фойдали моделларга, саноат намуналарига, товар белгиларига, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига ҳамда селекция ютуқларига тегишли экани, ҳисобот даврида интеллектуал мулк объектларининг давлат реестрларида 2,5 мингга яқин объект рўйхатдан ўтказилгани қайд этилди.

Мамлакатимизда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, рақобатбардошликни кескин кўтариш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш устувор вазифалардандир. Бу борада модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланишни таъминлайдиган муҳим устувор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда интеллектуал фаолиятни янада такомиллаштириш, ихтиролар ва интеллектуал мулк объектларининг бошқа турларини малакали бошқариши таъминлаш, истиқболли ихтиролар ишлаб чиқиш жараёнига ёшларни кенг жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Н.АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири



Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида қайд этилганидек, "...аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хилбанларга ном танлашга жуда катта эътибор берган... қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чарчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Такачи, Эгарчи, Уқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда хунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтқор ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради".

Археологик тадқиқотлар ва тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, юртимизнинг бошқа худудлари сингари Тошкентда ҳам маҳалла аъёнлари шаклланиши тарихи қадим замонларга бориб тақалади. VIII асрларга оид тарихий манбаларда ўша даврларда бу худудда ҳар бирида 50-70 хонадон жамланган маҳаллалар бўлгани қайд этилган.

XIX асрда Тошкентда бир юз эллика яқин маҳалла бўлгани, уларнинг ҳар бирида юз элликтагача оила яшагани қайд этилади. Маҳал-

лар шу ерда яшайдиган аҳолининг касб-ҳориға, этник таркибига, жой рельефи ва худуднинг ўзига хос хусусиятларига мос номланган. Дегрез маҳалласида яшаган хунармандлар фаолияти бунга мисолдир. Ушбу касб соҳиблари чўянни эритиб, ундан турли буюмлар, жумладан, қозон қуйиш билан шуғулланган.

Тарихчи ва археолог олимларимизнинг маълумотларига қўра, юртимиз худудиди қадимдан чўяндан

XIX асрга оид тарихий манбалар мазкур маҳалла жойлашган эски шаҳар ва бу худуддаги усталарнинг қизгин фаолияти ҳақидаги тасаввурни янада бойлатди. Эски шаҳарнинг бетакрор манзаралари хорижий сайёҳларни ҳам қўлга қалам олишга ундаган. XIX асрда Тошкентга келган америкалик сайёҳ Южин Скайлернинг мулоҳазалари бунга мисолдир.

Баққолларнинг дўконлари, дегрезларнинг устaxonалари, тўқимачи-

рез маҳалласида яшайдиган аҳоли шаҳарнинг жанубий-шарқий қисмига қўйрилган. Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган ушбу маҳалла 2006 йилдан яна ўзининг тарихий номига эга бўлди.

— Узим Дегрезда тутилганман, — дейди бугунги "Дегрез" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, юридик фанлари номзоди Марат Фуломов. — Эски маҳалламизда катта ховуз бўларди. Ховуз бўйидаги чойхона доимо одам билан гавжум

ларини нафақат рўзгор тебратиш воситаси, балки инсонни камолотга етакловчи восита сифатида эъзозланганлар ва авлодларга ҳам ана шу руҳда тарбия берганлар.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан маҳалла институтини ривожлантириш, маҳаллаларни аҳоли турли қатлам ва гуруҳларининг туб манфаатларини ифодалайдиган масканга айлантириш борисиди амалга оширилган ишлар бўлган. Дегрез маҳалласида ҳам ўз ифодасини топган. Ҳозирги кунда беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Дегрез маҳалласида ота-боболаримизнинг яратувчилик, бунёдкорлик сингари бебаҳо аъёнларини асраб-авайлаш, ёшларимизни миллий қадриятларимизга эҳтиром, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга ошириляётди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси, гузар, чойхона, савдо дўконлари, маийш хизмат объектлари аҳоли хизматида.

Кўламининг дастлабки кунларида бошланган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, сув йўллари, ховирлар ва кўп қаватли уйлар атрофини саранжом-сарништа холга келтириш билан боғлиқ ишларда маҳалланинг каттаю кичиги фаол иштирок этаётди.

Ҳа, Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи арафасида ўтмиш ва келажак кўзгуси бўлган қадимий ва навқирон Дегрез маҳалласи тора чирой очмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ

## ДЕГРЕЗ — ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН МАҲАЛЛА

**ОТА-БОБОЛАРИМИЗНИНГ БОЙ ДУНЁҚАРАШИ ВА ЮКСАК ТУРМУШ ТАРЗИ ИФОДАСИ СИФАТИДА ШАКЛЛАНГАН ЖОЙ НОМЛАРИ ТАРИХИМИЗ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИМИЗНИ АКС ЭТТИРUVЧИ МУҲИМ НАМОНАЛАРДИНДИР. УЗОҚ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БОСИБ ҲТГАН ВА БИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛГАН МАҲАЛЛА НОМЛАРИДА ҲАМ АНА ШУНДАЙ БЕБАҲО ҲИҚМАТ МУЖАССАМ.**

қурол-яроғ, хунармандлик ва рўзгор буюмлари ясалган. Дегрезлар чўянни махсус қолипларга қуйиб, турли ашёлар ясаганлар. Ушбу касб оғир қўл меҳнати ва катта маҳорат талаб қилгани боис дегрезлик касби юксак қадрланган.



XVI асрга оид ёзма манбаларда "дегрез" сўзи билан бир маънода "чўянгар" сўзи ҳам учрайди.

Қадимда Шошинг Шайхонтоҳур даҳасига қарашли худудда, ҳозирги Тошкент давлат циркиннинг ўрнида жойлашган Дегрез маҳалласида яшаган хунармандлар фаолияти ана шундай олис тарихга эга.

лар, жездан идиш тайёрловчи усталар, шойи сотувчилар, заргарлар ва бошқа хунармандларнинг фаолияти билан яқиндан танишган сайёҳ ҳар бир кўчада ўзига хос касб-корлик муҷассамлашганини ёзиб қолдирган. Муаллиф эски шаҳарнинг қайноқ ҳаётини, хунармандларнинг жўшқин фаолиятини, сотувчи ва харидор муносабатларини, умуман, тарихимизнинг ўзига хос сарифаларини намоён этувчи қўлаб лавҳаларни "шаҳар ҳаётининг сеҳрловчи жиҳатлари", дея атайди.

Тошкентда 1966 йилда рўй берган кучли зилзиладан кейин Дег-

эди. Айниқса, бу ерда иждоқорлар ва санъаткорлар иштирокида ўтган кизгин сўхбатлар ҳамон ёдимда. Маҳалламизда бир неча дегрезлик устaxonалари ҳам бўларди. Бобомнинг чўян қуйиш қорхонаси Чилонзор туманидаги Оқтепа маҳалласида жойлашган эди. Устaxonада қозон, омон тишлари, обдаста ишлар чиқариларди. Дегрезлар сулоласига ўтган асрнинг элгиничи йилларига фаолият юритди. Бу касб соҳиблари оиласидан кўлаб табиқий одамлар етишиб чиққан. Зеро, барча хунармандларимиз каби дегрезлар ҳам ўз касб-кор-



Кўргазмада Ўзбекистон фуқароси бўлмаган хаваскор фотосуратчиларнинг ишлари жамланган. Хар йили нуфузли комиссия томонидан танлаб олинган фотосуратлари кўрсатишдан мақсад фотосурат санъати орқали халқларамиз маданият ва қалблар яқинлашувига қўмаклашишдир.

— "Ўзбекистон — Марказий Осиё юрғи. Маданиятлар чорраҳаси" фотокўргазмасида жами жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатдан 58 та хаваскор фотосуратчи иштирок этиб, 350 дан ортиқ фотосурат намойиш этилмоқда, — дейди "Экономическое обозрение" журнали директори Нусратилла Мухамедов. — Уларнинг диёримизга бўлган улкан муҳаббат билан амалга оширилган тасвирлари Ўзбекистон Шарқ ҳамда Фарб аро унумли алоқалар маскани эканини ёрқин ифодалаб берган. Кўргазманинг асосий мақсади чет эллик фотоҳаваскорларни нигоҳи орқали халқларни, маданиятларни яқинлаштириш ҳамда мамлакатлар орасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшишдир. Фо-

## Ўзбекистон — Маданиятлар чорраҳаси

**ШАҲРИМИЗДАГИ ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА «ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТАШАБУСИ БИЛАН IV АНЪАНАВИЙ «ЎЗБЕКISTON — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЮРГИ. МАДАНИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ФОТОКЎРГАЗМА ОЧИЛДИ. ФОТОКЎРГАЗМА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ҲАМДА ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКISTONДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ КЎМАГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

тоқўргазма мамлакатимизга ташқаридан нигоҳ солиб, Ўзбекистоннинг асл қиёфасини хорижий меҳмонларимиз — дипломат ва олимлар, журналист ва шиддатли XXI аср бошида юртимиз бўйлаб саёҳат қилиб юрган оқдод одамлар назарида кўриш имконини беради. Баъзан четдан ташланган назар теварагимиздаги борлиқни қайта баҳолашга ҳам имкон туғдиради. Афсона бўлиши Ўзбекистонни англаб етиш мақсадида хорижий меҳмонлар атрофларидаги борлиқни қайта-қайта суратга туширганлар. Шунинг учун ҳам кўргазмага жуда кўп репортаж суратлар йўланган. Замонавий ҳаётнинг моҳиятини очиб берувчи қимматбахо дамларни илғаб олишни иходий кўргазма иштирокчиларининг кўпчилиги ундайилган. Бу борада Джессика Тетчер (АҚШ), Станислав Магай (Россия), Неше Узун (Туркия), Калеб Уолл (Янги Зеландия) қабиларнинг ишлари эътиборни жалб этади. Кўп ҳолларда романтик тарзда етказилган Ўзбекистоннинг турфа хил кундалик дамларидан ташқари ушбу муаллифларнинг репортаж фотосуратларида доимо бизнинг замондошларимиз — ажойиб психологизм билан кўрсатилган кексалар, болалар, турли авлод вакилларининг қиёфалари ёрқин ажралиб туради.

Шунингдек, кўргазмада анчадан буюн иштирок этиб келаётган Бриджит Брэфор (Франция) сурати ажойиб дид билан олинган. Унинг иши «Сайёҳнинг Буюк Ипак йўли карвонига назар» деб номланган бўлиб, унда одамлар йўқ. Ажабтовур йўйин-

чоқ туялар ҳақиқий Урта аср мадрасаси манзарасида дадил қадам ташлаб бормоқдалар. Фотосуратчи ҳажв ила борлиқнинг ўзига хос чизгисини ҳис этиб, жуда оқдодий вейситалар ёрдамида ўтмиш ва бугуннинг уйғунлигини акс эттира олган. Бу эса шубҳасиз, замонавий Ўзбекистоннинг моҳиятидир.

Футбол ишқибозлари бўлган ўзбек болалари акс эттирилган фотосуратнинг ҳам эътиборлиги бунданга кам эмас. Улар «Экономическое обозрение» журнали томонидан ташкил қилинадиган кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси, германиялик Анжелика Риннинг фотосуратидир. Айтиш жоизки, суратларга қараганда, муаллифларнинг кўпчилиги учун Ўзбекистон фотосуратчи қалби ҳамда иходий ҳаётини жўнбушга келтирувчи сеvimли диёрга айланган. Бу ҳақда Ишимура Икумининг (Япония) фотосурати айниқса диққатга сазовор. Унда Тошкентда эрта баҳорда гуллаган ўрик дарахтининг нафис шохлари иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган япон ҳарбий асирларининг қабртошлари устида бош эгиб туриши акс эттирилган. Линдон Аллина (АҚШ) томонидан суратга туширилган лавҳалар техникаси ва гоёси томонидан моҳирона амалга оширилган. Унда Тошкент рамзи бўлиши А.Навой театри акс эттирилган бўлиб, «Хордиқдаги фавор» деб номланган. Шу билан бирга фотокўргазмада хитойлик иштирокчиларнинг ҳам аҳамиятга молик ишлари намойиш этилмоқда.

Мазкур кўргазма 13 мартга давом этади. Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРД А кўргазмадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЯНАЛАРИДАН БИРИ, ШЕЪРИЯТ ОСМОНИДА ЮЛДУЗ БЎЛИБ ЧАРАҚЛАГАН ЗУЛФИЯХОНИМ АЙНИ БАҲОР ФАСЛИНИНГ БОШЛАНИШИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАН.

### «ЗУЛФИЯХОНИМ ҲАМИША БАРҲАЁТ»

Пойтахтда қад ростлаган Зулфияхонимнинг ҳайкали хиббониди атоқли шоира таваллуд кунини муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими кенгаши томонидан «Зулфияхоним ҳамиша барҳаёт» мавзусида маърифий тадбир ўтказилди.

Миллий маънавият ҳазинасини беназир асарлари билан бойитган, ҳар бир мисрасида энг олий инсоний ҳислатлар тараннум этилган, шеърини тўпلامлари билан миллий адабиёт дувруғини дунёга таратган шоира Зулфия опа иходи ва фаолият хали кўп авлодлар учун ибрат бўлиб қолади.

— Байрам тадбирида Зулфияхонимнинг шеърлари, виқорли овозлари билан айтилган сазоворларини эшитиб завқ олдик, — деди шоира Нилуфар Умидова. — Ҳақиқатан ҳам Зулфияхоним шеърини янги сингирган вафо, садоқат, отага меҳрмуҳаббат каби туйғулар ҳеч бир шеърини ихлоомандчи бефарқ қолдирмайди. Унинг ҳар бир сатрида баҳорини кайфият, табиат хуснкорлиги намоён бўлади.

Зулфияхоним ҳайкали қад ростлаган масканда ўтказилган маърифий учравуш ҳақиқий маънода шеърини хоним ҳамда мушоиралар байрамига айланди. Тантананда қатнашган катта-ю кичик Зулфия опа шеърини фалсафаси, дилбар сатрларга сингирган уйғун фикрлари хусусида тўқинлаштириш гапиришди.

— Зулфия опа шеърини, ҳаёти, унинг қолдирган асарлари ва фарзандларини маълум маънода хар биримиз учун ҳаётини ибрат вазифасини ўтади, — деди Ўзбекистон халқ шоири Сиросиддин Саидов. — Унинг соғинч сўжмоқларида яратилган сатрлари албатта инсоний вазифага эга. Зулфия опа тимсоли нафақат ўзбек аёли, балки шарқ аёли тимсолига айланган десак муволаба бўлмайди.

Зулфия нонимиди Давлат мукофотининг таъсис этилганлиги савобли ишларнинг манткикий давомидир. Бугунги кунга қадар республика миқёсида бир юз йигирма олти нафар қобилиятли, иқтидорли кизлар бундай мукофотга сазовор бўлган.

Тадбир иштирокчилари, ёзувчилар ва шоирлар Зулфия ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Бу халқимизнинг ўз севган шоирасига бўлган юксак ҳурмат ва эътиборидан дарак беради.

## БУГУНГИ КУНДА КЕНГ ТУС ОЛГАН ГИЁВАНДИК ҲАМДА ОИТС КАСАЛЛИГИ БУТҮН ЖАҲОН АҲЛИНИ ТАШВИШГА СОЛМОҚДА. ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА РАҲНА СОЛАЁТГАН БУ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ КЎЛАМДАГИ ТАДБИРЛАР ҲТКАЗИЛМОҚДА.

### ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам «Ёшлар ўртасида ичиш, чекиш ва гиёвандлик ҳамда ОИТС касалликларининг олдини олиш» мавзусига бағишланди. Усомир ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими вакиллари ҳамда туман худудий тиббий ёрдам бундари шифокорлари ва ўқувчи-ёшлар катнашдилар. Давра суҳбатида сўзга чиққан соҳа мутахассислари «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида», шунингдек, «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш», «Болалардан нигоҳдорлар туғилишининг ва тумна ирсий касалликларнинг олдини олиш», «Ёшлар ўртасида ичиш, чекиш ва гиёвандлик ҳамда ОИТС касалликларининг олдини олиш» мавзуларида маъруза қилдилар. Шунингдек, тадбирда сўз ол-

ган «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси М.Тошпўлатова ёшларни жамғарманинг иш фаолияти билан яқиндан таништириб, шу куннинг долзарб бўлиши боис ОИТС касаллиги ва унинг олдини олиш ҳақида батафсил ахборот берди. Жумладан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари, турли спорт тўғрақларига қатнашишлари зарурлигини уқтириб ўтди. Тадбирда ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи ўқув қўлланмалари тарқатилди. Шундан сўнг тадбирда Маънавият тарғибот марказининг Собир Раҳимов туман бўлими раҳбари М.Алибаева туманда олиб бориляётган маънавий-маърифий ишлар ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига қизгин тайёргарликлар хусусида гапириб, ёшларни жонажон пойтахтимизнинг қўлтуғ туйини муносиб қўлиб олиш, жумладан шахримизнинг обод ва ораста бўлишига ўз хиссаларини қўшишга чорлади.

Долзарб мавзудаги давра суҳбати ўқувчи-ёшларда катта таассурот қолдирди. Тўлором ҲАМИДОВА

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентда «ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ҲТКАЗИЛДИ.

Фуқаролик жамиятини ўрғаниш институти ва Тошкент шаҳар Ахборот таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида хар бир фуқаро ҳуқуқ ва бурчини яқши билиши, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонунлардан хабардор бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбатида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш ва демократик илохотларни амалга ошириш жараёнида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаоллари устида жамоатчилик назоратини қучайтириш масалалари атроф-

лича муҳокама қилинди. Бу борада аҳоли ўртасида ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари диққатга сазоворлиги қайд этилиб, бу аҳолига қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўла етказиб бериш имконини бераётгани эътироф этилди.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» Миллий дастурининг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган вазифалар хусусида сўз юритилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданияти-

ни оширишга қаратилган тадбирларни сифатли ва самарали ташкил этиш масалалари кўриб чикинди.

Узаро савол-жавоб, фикр алмашув руҳида ўтган давра суҳбатида мутасадди ташкилотларга жамоатчилик назорати комиссиялари ҳуқуқ ва кафолатларини аниқ белгилаб берадиган низоми ҳамда ўтказилган жамоатчилик назорати бўйича зарур томонларни кўриб чиқиш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

«Туркистон-пресс»

## Маданият

### ДАСТУР ВА РЕЖАЛАР — АМАЛДА

— МАКТАБИМИЗДА БОЛАЛАРНИНГ МУСИҚА ВА САҢЪАТ СОҲАСИДАГИ БИЛИМЛАРИНИ БОЙИТИШ ВА ЯНАДА МУКАММАЛЛАШТИРИШЛАРИ УЧУН АСОСДИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИНМОҚДА — ДЕЙДИ 15-БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САҢЪАТ МАКТАБИ ДИРЕКТОРИ ҲАМИДУЛЛА САДУЛЛАЕВ.

— Мана ўлкамизга баҳор фасли ҳам кириб келди, шу муносабат билан баҳор ойда бўлиб ўтадиган байрамлар режасини ишлаб чиқдик. Халқаро хотин-қизлар ва Наврўз байрамига бағишлаб нафақат туманимизда, балки шаҳримиздаги мавжуд Меҳрибонлик уйларида концерт дастур-

ларини ўтказишни режалаштириб олганми. Умид қиламики концерт дастурларимиз барча ёшларга манзур бўлади. Қуй ва қўшиқларимизнинг аксарияти қисми баҳорга бағишланган ва уни тараннум этувчи наволардан иборатдир.

Гулнор САТТОРОВА



**Савол: — Маҳалламизда ноқонуний никоҳдан ўтиб, бирга истиқомат қилаётган бир неча фуқаро яшайди. Кўпинча фарзанд талашиб, ё эр, ёки хотин болани ўз уйига олиб кетиб қолади. Улар орасида воёга етмаган болалар ҳам бор. Шу ўринда воёга етмаган боланинг ҳуқуқлари ҳақида тўшунтириб берсангиз. Токи уни ўқиган баъзи ота-оналар қандай йўл тутишни билиб олинлар.**

Шавкат Мавлонов, Чилонзор тумани

**Жавоб: —** Менимча, сиз ота-она ҳамда воёга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусида аниқ тушунчага эга бўлмақчисиз. Бу саволнинг Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 65-66 моддаларидан батафсил жавоб топиш мумкин. Яъни ҳар бир бола оилада яшаш, тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва у ота-она қармоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомиёлик органи томонидан таъминланади.

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, онасинглилари ва бошқа қариндошлари билан қўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онанинг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаш болининг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан қўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан қўришишга ҳақлидир.

Фавқулодда вазиятга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа ва хибса олиш, даволаш мувоассасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қўришга белгиланган тартибда қўришиш ҳуқуқига эга.

**Савол: —** Нотариус деганда биз нималарни тушунамиз, у қандай вазифаларни амалга оширади ва қимлар нотариус бўла олиши мумкин?

Гаффор Камолов, Саид Ҳадамов, Чилонзор тумани.

**Жавоб: —** Одатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақида гап кетганда нотариат ҳам эсланади. Холбуки, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи бошқа органлар ўз фаолиятларида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан кўпроқ шуғуллансалар, нотариуслар ҳуқуқ бузилишининг олдини олишга ҳаракат қиладилар, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкий ҳамда шахсий ҳуқуқларини ўзига ҳок усуллар билан ҳимоя қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига қўра, нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунда қўзда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Нотариусга нисозис ҳуқуқлар ва фактларни тасдиқлаш, шаходатлаш ва келажакда фуқаролик ҳуқуқлари бузилиши эҳтимоллигини олдини олиш мақсадида бу ҳуқуқларни қонунда белгиланган тартиб ва шаклда ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажариш вазифаси юклатилган.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар нотариуслар томонидан юксак савияда расмийлаштирилса фуқаролар ёки юридик шахслар ўртасида низолар келиб чиқишининг олди олинади ва бу борадаги ишлар судларда анча камаяди ёки бу тоифадаги ишлар судда қўрилганда ҳам нотариус томонидан тасдиқланган ҳужжат хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Кейинги саволнингизга жавобан айтиш керакки, нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, амалиётчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли амалиёт муддатини ўтаб, малака имтиҳонини топширган, мазкур фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси таъинланиши мумкин. Шунингдек, бундай шахсларга нотариуслик ваколатларини беришнинг танлов асосида амалга оширилиши ҳам қонунда белгилаб қўйилган.

Мана шундай тартибда нотариуслик ваколатини беришлик фуқаролар ва юридик шахсларга ортиқча навабатлар ва сансалорликларсиз, ҳуқуқий жиҳатдан юқори даражали нотариал хизмати кўрсатишни таъминлайди. Қисқа қилиб айтганда, нотариус давлат берган ваколатга асосан битимлар ёки бошқа нотариал ҳаракатларнинг давлатнинг амалдаги қонунлари доирасида эканлигини тасдиқлаб, гувоҳлантириб беради ва давлат герби туширилган муҳр билан мустаҳкамлайди.

**Савол: —** Шахсий сугурта шартномаси деганда нималар тушунилади? Шу ҳақда тушунча берилса...



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ҲИҚМАТЛАР

Дунё молини йиғиб, йўлни йитурганлар, Эссиз умрин куфр ичинда кечурганлар. Куловузсиз биёбонда югурганлар, Мухаббатни қадрини қачон билур!

Жондин кечмай, ишқ сиррини билса бўлмас, Молдин кечмай, манманликни қўйса бўлмас.

Эй ёронлар, ишқ дардига даво бўлмас, То тириксан, ишқ дафтари адо бўлмас.

Нафсга мудом ҳалол лўкма рўзи бергил.

Нафсдан кечиб, қаноатни пеша қилгон, Ҳар не деса, рози бўлуб бўюнсунгон, Яхшиларни хизматида дуо олгон, Андоғ ошиқ маҳшар куни армони йўқ.

Жондин кечмай, тобмас ҳар ким жононани, Кўруб ҳиммат қилмоқ керак парвонани, Кўруб-билиб ўтқа урди ўз жонини, Суду зиён бирла ҳаргиз парвоси йўқ.

Ёлгон даъво қилиб, каззоб бўлманг, дўстлар.

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат, Ким улфатдур — боши узра юз минг кулфат, Боштин-оёқ мунофиқни зиён-захмат...

Дунёсига мағрур бўлуб югурганлар, Андоғ киши баҳойимдин баттар, дўстлар.

Дехқон эрмас кетмон чопиб, нон емаса.

Риёзатни қоттиқ тортиб, тинмай ишла, Куб ишлаган охир етар, дўстларимо.

Телим сўзда қарор йўқ, Ғариб ўлса, сўрар йўқ.

Толибман деб юрурлар — кўнглида йўқ зарра нур, Чин толибни сўрасанг, ичу таши гуҳар, дур.

Кул хожа Аҳмад, сўзунгни нодонларга айтмагил, Сўзни айтиб нодонга, пучак пулға сотмагил.

Очдин ўлсанг, номарддин ҳаргиз миннат тортмагил.

Банда бўлсанг, манманликни зинҳор ташла.

Молу пулни парво қилмас ошиқ киши.

Ҳаром-ҳариш йиғмиш молға инонманглар.

Оқил бўлсанг, нодонларга сир айтмагил.

Йўлбошчиси йўлни кўрган карвон бўлур, Йўлни кўрмай, карвон қадам қўймас эрмиш.

Дунё учун азиз умринг адо қилсанг, Малак ул-мавт келса, фурсат қўймас эрмиш.

Неча минглар черик йиқган хонлар қани? Бу сўзларнинг ҳар бириси маъно қони, Вафоси йўқ, бевафодур дунё тани, Гофил одам кўруб ибрат олмас эмиш. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгилликлари

ЭЛЧИЛАРНИНГ ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАБУЛЛАР УЙИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА БЕШИНЧИ ТУРНИР БОШЛАНДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазири хамда Ўзбекистон Шахмат федерацияси томонидан ташкил қилинган, ушбу мусобақада Россия, Хиндистон, Украина, Индонезия, Италия, Латвия, Руминия, Туркия, Эрон, Афғонистон каби давлатларнинг Ўзбекистондаги элчиҳоналари хамда БМТ ва ШХТдан вакиллар ўзаро куч синашмоқда.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ҳ.Кароматов юртимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан спортнинг барча йўналишларини, жумладан, шахматни изчил ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур турнирда иштирокчилар Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) қондаларига мувофиқ Швейцария тизими бўйича ўзаро куч синашади. Ушбу беллашув, ўз навбатида, турли халқлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга, ўзаро дўстона ришталарни янада мустаҳкамлашга қўмаклашади.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасида юртингиз спортчилари дунёнинг нуфузли халқаро мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда, — дейди Латвия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Факултода ва мухтор элчиси Игорс Апокинс. — Ушбу мусобақа дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасидаги дўстона ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎЗА)

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

GERMANYANING ГАМБУРГ ШАҲРИДА ДЭЮДО БЎЙИЧА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ГРАН-ПРИ ТУРНИРИНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ АБДУЛЛА ТАҒРИЕВ ВА РИШОД СОБИРОВГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

100 килограммиллар баҳсида барча рақибларини енгиб финалга йўлланма олган Абдулла Тағриевга ҳал қилувчи жангда кубалик Оскар Бришонни мағлуб этиш қийинчилик туғдирмади.

60 килограммгача бўлган беллашуларда муваффақият қозongan Ришод Собировга ҳам финалда кубалик Пикер рўбару келди. Турнирда рақибдан кўра пухта тайёрланган ҳамюртимиз ғалаба қозонди. Шундай қилиб Гамбургда уюштирилган халқаро турнирда ўз вази тоифаларида олтин медалларни қўлга киритган ҳамюртларимиз Тошкентга ёрғуз билан қайтишди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИЛАР

БУХОРО ШАҲРИДАГИ «ХУМО» СПОРТ МАЖМУАСИДА САМБО БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ УЮШТИРИЛДИ.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси хамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган энг иқтидорли спорт-

чилар иштирокидаги баҳслар қизиқарли кечди. Шиддатли курашларга бой ўтган баҳслар якунида ўз вазилари тоифасида қаршилик Фозил Бозоров, Тошкент вилояти вакили Равайн Турсунов, самарқандлик Дамир Муҳидов, Анвар Эшов, навоийлик Шоҳрух Шукуров, Зариф Расуловлар қатори ҳамшаҳарларимиз Ақобир Курбонов ва Одил Гулиндовларнинг ҳам Ўзбекистон чемпиони деб эътироф этилганлиги қувонарли ҳол. Дарвоқе, мазкур турнир ғолиб ва совриндорлари Грецияда ўтадиган жаҳон чемпионати хамда Тошкентда уюштирилаётган Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

(Ўз муҳбиримиз)

КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

КУНИ КЕЧА БЕКТЕМИР ТУМАНИДАГИ «НИҲОЛ» СПОРТ МАЖМУАСИДА «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОЛИМПИАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ШАШКА МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТУМАНДАГИ 289-, 290-, 291-, 292-, 293-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Ёшларнинг ақлий салохиятини ошириш ва билим доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган ушбу ақл машқи мусобақалари қизгин ва таассуротларга бой тарзда кечиб, иқтидор ва фикр доирасининг кенглигини кўрсата олган қатнашчилар ғолиблар сафидан ўрин олди.

Ёшларимиз ўртасида бундай мусобақаларнинг ўтказилиши ҳар томонлама фойдали бўлиб уларнинг жисмонан ва ақлан баркамол бўлиб вояга етишларига катта ҳисса бўлиб қўшилади. — «Камолот» ЕИҲ туман бўлими Кенгаши баш мухтаассиси Гулмира Отабоева. — Шу билан бирга ёшларнинг бўш вақтларининг унумли ўтиши ва бекорчи нарсаларга қалғимаслигига хизмат қилади.

Қатнашчи ва меҳмонларнинг қўллаб-қувватлашлари билан ниҳоятда муросасиз ўтган ушбу мусобақада ўғил болалар ўртасида 291-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Достон Шоюнусов, 292-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бахтиёр Абдуллаев ва 289-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нодир Убайдуллаевлар, қиз болалар ўртасида эса 291-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Вика Тен ва Элина Швецова, 292-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Лазоқат Худоёровлар ғолиблик шохсупасини забт этдилар.

Тадбир сўнггида барча ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

КУНИ КЕЧА ХАЛҚАРО ПРОФЕССИОНАЛ ТЕННИСЧИЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ПРОФЕССИОНАЛ ТЕННИСЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Унга кўра ҳозирда мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткаси ҳисобланган Денис Истомин 98-ўринда қайд этилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич шу кунгача ўзбекистонлик теннисчилар эришган энг юқори натижадир. Чунки шу пайтгача ҳамюртларимиздан ҳеч қанга кучли юзликдан ўрин эгаллаш насиб этмаган, фақат 1996 йилда Олег Огородов дунё теннисчилари орасида 105-ўринга лойиқ кўрилган эди.

Аёллар ўртасида эса ҳамюртимиз Ирода Тулаганованинг 2001 йилда қайд этган кўрсаткичини ҳам ҳеч қим тақрорлай олгани йўқ. Ушанда Ирода 16-ўрингача кўтарилган эди. Ҳозирда ўзбекистонлик аёллар орасида биринчи рақамли теннисчи ҳисобланган Окгул Омонмуродова янги рейтинг рўйхатида 80-ўринда қайд этилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Саломатлик — туман бойлик

БЕҲНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ТИББИЁТДА ЖУДА КўПЛАБ ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ПАЙДО БўЛМОҚДА. Улардан ШИФОКОРЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИСИЗ Фойдаланиш ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛМАСЛИГИ МУМКИН. ШУНИНГ УЧУН ДОРИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН АВВАЛ ШИФОКОР БИЛАН МАСЛАҲАТ ҚИЛИШ ЗАРУР ЁКИ СИНОВДАН ЎТГАН ХАЛҚ ВОСИТАЛАРИ, АЙНИҚСА, МАМЛАКАТИМИЗДА ЕТИЛУВЧИ МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРДАН Фойдаланиш.

Беҳи қадим замонлардан севиб истеъмол қилиниб келинган мевадир. Бу мева жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида мавжуд. Беҳи таркибида 5-12 фоиз қанд, 5 фоизгача кислоталар (шу жумладан, олма ва лимон кислоталари) ошловчи ва пектинли моддалар, 20 фоизгача витамин С, эфир майи мавжуд. Беҳининг уруғлари 20 фоизгача микродорли шиллик моддали оқ рангли қоплам билан қопланган.

Беҳидан жуда ширин, хуштам мураббо, жем, желе, компот, мармелад тайёрлашда фойдаланилади. Ундан хатто гўшти, товуқли таомга гарнир сифатида, миллий таомларда зирвор сифатида фойдаланилади. Беҳи таркибидаги (айниқса, пүстлогиди) эфир майи таомларга нозик хид ва нордон таъм беради. Ошловчи хусусиятлари сабабли беҳидан табиий ҳолатида ошқозон бузилишлари ва қон кетиши ҳолларида фойдаланилади. Геморрой касаллигида шарбатини боғлайдилар. Қайнатилган ҳолатида қайт

қилишга қарши восита сифатида ва жигар касалликларида яхши омил бўлади. Беҳили чойдан юрак-қон томирларда юзага келадиган шилларда сийдик хайдаш воситаси сифатида истеъмол қилиш мумкин.

Уруғларидан тайёрланган чойни йўталда ва кучли шамоллаш касалликларида ичиши, уруғлари қайнатмасидан ангида томонки чайиш мумкин. Ундан терини юмшатиш учун ҳам фойдаланилади.

Яна беҳи уруғларидан юмшатувчи ва ўровчи бўлиб



ЎҚИТУВЧИЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КўРСАТИШДИ

ТОШКЕНТ Тўқимачилик институтининг АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИДА МАСЛЕНИЦА ВА ЕНГИЛ САНОАТ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИР БўЛИБ ЎТДИ.

Яккасарой туман рус миллий маданий маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Яккасарой туманидаги «Вдохновение» болалар ижодиёти маркази, Рус миллий маданий маркази жамоаси иштирок этиб, қувноқ чиқишлари билан катнашчиларни хушнуд этдилар. Улар ижросида

вальс, кадрил рақслари барчани саҳнага чорлади. Халқаро танловлар лауреати Луиза Бондеско ижросидаги халқ қўшиқлари, Владимир Кудрявцевнинг жўшқин шеъри айнқиқа тадбирга ўзгача фойз бағишлади. Бундан ташқари, лицей ўқувчилари ўз тайёрлаган дастурларини намойиш

этишди. Ундан Масленица байрамининг тарихи, халқ ўйинлари, кичик ҳазил қўшиқлар ўрин олди. ШАҲБОЗ ИZZАТУЛЛАЕВ СУРАТЛАРДА: Масленица тадбири мана шундай қувноқ ва завқли ўтди. Алексей Попов олган суратлар

Баҳор неъматлари

ГУЛИ ТИЛАРАНГ

ИЛК БАҲОР ЭЛЧИЛАРИДАН БИРИ МОМОҚАЙМОҚ ГИЁҲИ ҲИСОБЛАНДИ. БУ ЎСИМЛИК ТИЛАРАНГ ГУЛЛАРИ БИЛАН ЖОЗИБА БАҒИШЛАБГИНА ҚОЛМАСДАН, БАЛКИ БИР ҚАТОР ХАСТАЛИКЛАР ДАВОСИ СИФАТИДА ҚАДРЛАНДИ.

Эрта баҳорда ўзининг кўхлик кўриши билан одамларнинг назарини боғлайдиган момоқаймоқ табобат бобидаги ўрни билан ҳам ажралиб туради. Момоқаймоқни биз баъзан «Гулқоқи», «Қоқиёт» деб атаем, тожиклар — «Гули барра», «Ширгулак», руслар — «Одуванчик» дейдилар.

Бу гиёҳ эрта баҳордан тупроқдан ниш уриб чиқиб, то совуқ тушгунга қадар ўзининг тилларанг, бежирим гулларини намойиш этади. Момоқаймоқ кўп йиллик ширали гиёҳ. Барглари илдири олдиди тўпбарглардан ташкил топган бўлиб, патсимон кесик. Гул ўки говақли устунча, гуллари эса саватчага тўпланган. Меваси саллақ, пистачалардан иборат.

Ўлкамизда кўплаб учрайдиган бу гиёҳ йўл ёқалари, арик, жилга бўйлари, боғ, дала, сайхон ерларни ўзига маскан қилиб олади. Момоқаймоқнинг шифобахшлиги қадим замонлардан маълум бўлиб, ундан бир қатор хасталикларга даво сифатида фойдаланиб келинади. Абу Али ибн Сино ўз даврида ўсимликнинг янги ширасини истиско ва жигар касалликларини даволашда қўллаган. Сут шираси билан кўзга тушган оқни йўқотишда фойдаланган. Чаён қаққанида унинг захарини ўсимлик шарбати билан кесиб мумкинчилигини айтган. Гиёҳ воситасида тайёрланадиган қайнатмани тана ҳароратини пасайтирувчи, аъзоларни мустаҳкамловчи восита сифатида шамоллашда ичишни тавсия этган. Барг талқонидан иштаха очувчи омил сифатида фойдаланган.

Кўҳна замон олими Теофраст бу ўсимликни териди мавжуд бўладиган хунсбозар ва доғларни кетказишда тавсия қилган. Тарихий шахс Мухаммад Хусайн ал-Оқилнинг «Махсан-ул-адвия» китобида келтирилишича, момоқаймоқ меъдани мустаҳкамлайди. Ўсимлик илдизини янчиб хашаротлар қақиб, ҳайвонлар озорлаган жойга қўйилса, дардни олади.

Тожикларнинг халқ табобатида момоқаймоқ барглари билан шарбати сариқ хамда қовуқ касалликларига фойдали ҳисобланган. Бунинг учун сархил барг шарбатидан ош қошиқ воситасида тўрт ҳафта давомида кунига 3 марта ичиб турши лозим кўрилади.

Маълумотларга қараганда, момоқаймоқ гуллашига қадар барг, илдирилари бир соат давомида дамланиб, сузиб олинган, шарбатидан ичиладиган бўлса камқонлик, ўпка сили, диабет, юрак ҳаққириши (дилбози), жигар касалликлари, ўт пуфаги, ундаги тош касаллигида, сафро ҳайдовчи сифатида, шунингдек, пешоб ҳайдовчи беозор восита бўлиб хизмат қилади.

Замонавий тиббиётда ҳам момоқаймоқ асосли доривор сифатида ҳам ишлатилади. Доримик илдириларида тайёрланадиган экстракт (киём) иштаха очиш, овқатнинг хазм бўлишини яхшилаш хамда сафро ҳайдовчи восита сифатида тавсия этилади. Момоқаймоқ асосида тайёрланадиган йиғма чой ва халдорилар дорихона ва гиёҳшарбатхоналар (фитобар) бисотида мавжуд.

Момоқаймоқнинг шифоли гиёҳлигининг боиси, унинг таркибидаги фойдали моддалар билан таърифланади. Чунончи, унинг баргларида салмоқли микдорда С, В2 белгилли дармондорилар, органик кислоталар, илвид, ошловчи моддалар, маъданий унсурлар, илдирида эса 40 фоизгача инулин, қанд, организмга енгил сингувчи оқсиллар, тараксацин, маъдан тузлари бор.

Айни Наврўзи оламда халқимиз момоқаймоқнинг мурғак кўкатида кўкати чучура, сомса, шўрақи ва кўнгилочи таомлар тайёрлаб истеъмол этади. Баҳорий гиёҳлар асосида тайёрланадиган таомлар киши билан қарқаб чиққан одам аъзоларига мадад бағишлайди.

Дано ХўЖАЕВА, олий тоифали дорихуносо

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИПАР

«Mehri savdo» ШК Тошкент Автомобиль йўллар институтини юк ва йўловчи ташиш мутахассислиги бўйича таоммолган, соҳа бўйича иш стажига эга мутахассисни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Ёшлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-206

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4694 нусxada босилади. Қозoғ бичими А-2. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида териди ва сақланади. «Шарк» нашриёт-матбаа оқшомдорлик компанияси босмахоноси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6. Топширилган вақти: 13.30